



# ХАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 26 март, № 58 (5988)

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
авлат

Чоршанба

## САНОАТИМИЗНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

кеча пойтахтимизда иш бошлаган халқаро форумда яққол намоён бўлмоқда



“Ўзэксномарказ” мажмусида кон-металлургия, кимё ва машинасозлик саноати ҳамда меҳнат муҳофазаси, лаборатория хизматига бағишиланган “Uzbekistan Industrial Forum – 2014” VI Халқаро саноат форуми ўз ишини бошлади. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги, ИИФ Ёнгин хавфислизги баш бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзавтойўл”, “Ўзкимёсаноат” компаниялари, Энергетика ва автоматика институти, Тошкент шаҳар хокимлиги ҳамда “IEG Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

### ЖАРАЁН

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётнинг барча соҳаларида икобий ўзгаришилар кузатилмоқда. Ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга ўғсанни ана шундан да-ломат беради. Бу, албатта, иқти-

содиётимизда мутаносибликка эришилиб, унинг тармоқлари мутасил равишда модернизация ва диверсификация қилинганинг шарофати бўлса, юртимизда яратилган кўпай инвестициявий мухит эса хорижий ҳамкорлар билан ишлаш кўламини янада кенгайшига хизмат қўлаётir.

Таъкидлаш керакки, форумда

маҳаллий ишбилармонлар билан бирга, Германия, Швейцария, Покистон, БАА, Италия, Чехия, Нидерландия, Польша, Жанубий Корея, Қозоғистон сингари давлатларнинг 50 дан ортиқ компаниялари вакиллари ҳам ўз маҳсулот ва хизматларини тақлиф этаяти.

Маълумотларга кўра, кўргаз-

ма иштирокчиларининг сафи ва географияси аввалги йиллардагига нисбатан сезилари дараҷада кенгайланган. Бу – тармоқларга илфор технологияларни татбиқ этиши ва хорижий мамлакатлар мутахассислари билан таъриба алмашини имконияти ҳамда ортади, деганидир. Масалан, кўргазмага келган ҳар бир

меҳмон ўтган йили мингдан зиёд “MAN” русуми юк машиналари ва маҳсус техника воситалари ишлаб чиқарилган Самарқанд вилоятидаги завод фаолияти билан ҳам, мазкур автомашиналар имконияти билан ҳам батафсил танишишлари мумкин.

(Давоми 2-бетда).



**Ўтган йили мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга ўғсида.**

Хасон ГАЙДОЕВ откоз сурʼатлар

8,8  
фоизга  
ӯғсида.

### ДИЛ СҮЗИ

Наврӯзи олам шукухи давом этадиган шу фараҳбаш кунларда юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, албатта, хурсандчиликкниг устидан қисиз. Одамларнинг юз-кўзидағи шодлик, ёшларимиз нигоҳидаги шихоатни қўриб, беҳад гурурланасан, киши.

### Эзгулика Йўғрилган кунлар

Айниқса, бундай кунларда меҳ-оқибат, саҳоват, бир-бира гурухларнинг кўзасиши, каби азалий хислатлар янада яққол намоён бўлмоқдаки, мана шунинг ўзиёқ, Наврӯзинги қадриятларимизга, халқимизга хос безавол фазилатларга хамоҳанг эканлигини исботлайди. Зоро, азал-азалдан бу паллада гина-курадатлар унутилиб, қўни-қўшинига, эл-юрга яхшилик қилинган. Президентимиз байрам табригига таъкидлаганларидек, баҳор, яшарни ва янгилиши рамзи, шарқона янги йил дебочаси бўлмиш Наврӯзи олами кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини хеч қайси байрам билан солишириб, киёслаб бўлмайди, албатта.

Истиқлол туфайли ана шу қадриятларимиз юксали. Унинг файзу шукухидан юртимиз тобора обод ва фаровонлашиб бормоқда. Шу боис бугун биз Наврӯзни хуррамлик билан нишонлаямиз. Бебаҳо байрамининг умри бокий билишини тиламоқдамиз. Бундай байрамлар тинч-хотиржам, одамлари соғ-омон, ёшлари шодумон элга ярашида. Эл-юрга кайфиятида шодумонлик бежис эмас.

(Давоми 3-бетда).

## «Ўзбекистонда Наврӯз ёрқинлиги билан ҳайратли ва ажойибdir»

Илгари хабар берилганидек, Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий bogida Наврӯз айёмига багишлаб ўтказилган тантанали маросимда дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этди. Улар “Хаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан мuloқot ҳоғидаги Наврӯз байрамининг ўзбек халқи ҳаётida тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Найтхарт ХЁФЕР-ВИССИНГ,  
Германия Федератив  
Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги  
Фавкулодда ва мухтор элчиси:

— Миллати ва эътиқодидан қатни назар, барча инсонларни жисплостириб, жамият ҳамжигъатлиги ва бирлигина мустаҳкамлайдиган Наврӯз байрами Ўзбекистондаги тинчлини ва осойишталикини мустаҳкамлашда мухим ўрин тутади.

Мен Наврӯз муносабати билан ташкил этилган тантаналарда биринчи маротаба қатнаш-

дим. Шу орқали ўзбек маданийати ва саноатининг бутун ранг-баранглигини кўрдим, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз асарлари, мамлакатнинг барча вилоятлари маданиятини намоён этиувчи замонавий ашула ва рақслардан баҳраманд бўлдим.

Дъерьд САБО,  
Европада Хавфислик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:

— Ўзбекистон аҳлини Наврӯз билан табриклийман. Бугун сиз билан ёнма-ён бўлишдан

мамнунман. Мен икки йилдан бери ушбу мамлакатда фаолият кўрсатиб келаямсан. Ушбу байрамни ҳалқингиз билан бирга нишонлаш менга доимо катта мамнуният багишлади.

Наврӯз янги йилни, янгича куч-ғайрат, янги режалар ва ўзбек кайфиятинг англатади. Мен дунёнинг бошқа томонидан келганиман, шу сабабли анъаналарини кўриш, уни сизлардан ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Баҳор ҳамма жойда орзикib кутилади, аммо юртингизда баҳор кириб келишининг ни-

шонланиши қизиқарли ва яхши намунаидир.

Фумихико КАТО,  
Япониянинг Ўзбекистон  
Республикасидаги Фавкулодда ва мухтор элчиси:

— Мен илк маротаба Ўзбекистонда Наврӯзни нишонлашдикан ва ушбу байрам менга жуда ҳам ёди. Айниска, татбиқ кўриш имконига эга бўлганим сумалакнинг ажойиб таъмини алоҳида қайд этишини истардим.

21 марта Японияда ҳам миллий байрам сифатида нишонланади. Ушбу кунда биз кўкламлининг кириб келишини байрам қиласиз. Бу, ўз навбатида, ҳалқларимиз ўтасидаги тарихий ва маданий яқинликнинг янга бир тасдиғи хисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ВА ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги “Ўзэксномарказ”да Халқаро саноат ярмараси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида таълим, соғлини сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари мажмуси корхоналари тармоқ саноат ярмарасининг дастлабки куни ниҳоятда ишчан руҳда ўтди.


### ЯРМАРКА

Мамлакатимизда корхоналарнинг тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро кооперация алоқаларини ривожлантириш, хорижлиқ сармоядорларни жалб килиш орқали уларнинг узок муддати хўжалик алоқаларини кенгайтиришига кўмаклашиш саноат ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг мухим омилларидандир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул

килинган ижтимоий ўйналирилган дастурлар, фармон ва қарорлар таълим, тиббёт, ижтимоий ҳимоянинг жадал равнақ топшида, уларни юртимист корхоналарида тайёрланган юкори сифатли, замонавий ускуна ҳамда жиҳозлар, техник воситалар, хом ашёлар билан таъминлашда мухим хукуқий асос бўлиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
авлат

МАМЛАКАТИМИЗ  
ТАРАҚҚИЁТИ  
ЙЎЛИДА



Жиззах вилоятида ўтган йили енгил саноат йўналишида бир қатор йирик лойиҳаларнинг хайётга татбиқ этилиши натижасида пахта толасини қайта ишлаш 8,5 фоиздан 23 фоизга ўтди.

Толани қайта ишлаш уч баробар ортди

Биргина вилоят марказидаги “Жиззах пластекс” кўшма корхонасининг ўзида 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти яратилди.

— Ўтган йили корхонамизнинг йилига 8 минг тонна кала ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган биринчи навбатини ишга туширган эдик, — дейди корхона раҳбари Асқар Иногров. — Яқинда эса иккичи босқичини ҳам фойдаланишга топшириб, 4 минг тонна мато тўқиши технологиясини ўзлаширидик. Айни пайтда йилига 6 миллион дона киймий-бош ишлаб чиқариш кувватига эга учини линияни ишга туширга сайди-ҳарқатидамиз.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхона томонидан 6,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кала ва ишлаб чиқарилилди.

Улугбек АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Энергияни тежовчи қурилма

Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти олимлари энергияни тежовчи гелиотехник мажмуда қурилмасини ихтиро қилиши.

Сабзавот омбори ҳамда иссиқонадан таркиб топган ушбу курилма бордочиликкни ихтиносластирилган фермер жүхажиларни соҳада фаолият кўрсатётган хусусий корхоналар учун мўлжалланган.

— Кўп йиллик изланышлар натижасида мукобил энергия асосида ишлайдиган “Сабзавот омбори – гелиоиссиқона” бирлашган кўмуш иншоатни тизими ишлаб чиқилди, — дейди лойиҳа муалифи, техника фанлари номзоди Фуслом Узоков. — Унинг шу турдаги мажмудалардан афзалиги шундаки, иссиқонани қишики мавсум-

да итисиҳ учун кетадиган энергия сарфи 35-40 фоиз куёш энергияси, 40 фоиз сабзавот омборидан олинидаги иссиқонадан колланади. Яъни сабзавот омборини соҳибига ишвотиши эвазига ажрападиган физик иссиқонадан ҳам самарали фойдаланилди. Натижада ўттача 200 куб метр жамдаги иссиқонада мавсум давомида 5000-6000 кубометр табии газни тегаш имконияти яратилди.

Лойиҳа дастлабки тажриба синовидан муввафакиятни ўтди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Аҳам МУҲАММАДИЕВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот сифати камидаги 50 йилга кафолатланади

Наманган шаҳриллик Пайзилло Юсупов ташкил қилган оиласидаги корхона томонидан дастлабки бир миллиард сўмлик маҳсулот истеммол бозорга киритилди.

“Муҳташам файз саноат” деб атальувай мажмур корхонада хозир тўрт турдаги металга томёпкич тайёрланмоди. Айтиш керакки, ба маҳсулот куриш бозорининг шу турдаги ашёлари билан бемалол ракоатлашади. Яъни занглалийдиган ашёлардан ишлаб чиқарилаётган ушбу буюмдан камиди 50 йил фойдаланиш мумкин. Шу боис корхонага жойларда барпо этилаётган намуниявий лойиҳа асосидаги турархийлар куришили билан шуғулланадиган бинокорлик жамоалари, шунингдек



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хар куни сумалак, халим, гўжа каби азалий таомларимизни тайёрлаш баҳонасида одамлар бир жойга йиғилиб, кимнинг қандай ташвиши бор, ким тўй қиммоқи, ким хаста — мана шулар ҳакида маслаҳатлашиб, кўмакка чоғланишиди.

## Эзгуликка йўғрилган кунлар

Халқимизга хос бу хислатлар ҳакида сўз борар экан, муҳтарам Президентимизнинг табриклиарида: "Шу мўтабаб айёмда беромлар, етим-есирларнинг, муҳтоҳ инсонларнинг кўнглини, руҳини кўта-риш, барча сабов ишларни амала ошириш — булаурнинг хаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгира сингиб кетганидан яхшилик ва эзгуликни доима юрагидан саклаб келаётганидан дарак беради. Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондуст халқимизга ўҳшаган ҳалкини топиш мумкини ўзи? Аминман — ҳеч қачон!" деган жумлалар ҳар биримизга олам-олам кувонч баҳш этди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ўз табриклиари эртаги кунимизнинг ишончи ва таяни бўлмиш ёшлар ҳакида ҳам алоҳида тўхтадилар. Ёшлар билан ишләётган киши сифатида айтаманки, бугун

улар ўзларига кўрсатилаётган эъзоз ва гамхўрликдан ниҳоятда мамнун бўлиб, руҳланиб, янги маралар сари интилмоқдалар. Бу бе-жиз эмас. Бошқа йилларда бўлганидек, ўтган Обод турмуш йилида ҳам мамлакатимизнинг барча гўша-ларидаги муҳташам мактаблар, коллеж ва лицейлар, қишлоқ врач-иофиси, кўмакка чоғланишиди.

Лик пунктлари, минимаркетлар, стадионлар курилди. Бу ўзгаришлар юртимизда инсон қадри улганаётганилиги, фарзандларимизнинг келажагига мустаҳкам пойдевор кўйилаётганилигининг ёрқин ифодасидир.

Энг муҳими, эзгуликка йўғрилган чора-тадбирлар Соглом бола йилида ҳам давом эттирилиши кўзда тутилганни, булаурнинг барчаси бунёдкор, саҳоватнинг юртдошларимиз кутига куч, гайратига файрат кўшади. Диляримизга хурсанчлил улашиб, ташриф буюрган Наврӯзи олам эса ана шундай бағрикенг, тантан юртдошларимизга янада кўтарикин кайфият, яхшилик олиб келганилиги билан қадрлини.

**Феруза МУҲАММЕДЖОНОВА,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий  
харорати Марказий кенгаши  
расмисининг биринчи ўринбосари.**

## Хунарманд халқаро ярмаркаларга таклифнома олди

Зарафшон шахрилик Алмас Орманбаевнинг тош ва ёёт ўймакорлиги асосида ишланган асарлари ўзининг нобиблиги билан халқаро кўргазмаларда эътироф этиб келинмоқда.

### ЭЪТИРОФ

Якнинг Алмати шаҳрида ўтказилган хунармандлар анжуманида унинг ёётча туширилган миниатюра асари жуда юқори баҳолангани бунга бир мисодид.

— АҚШ ва Европанинг бир қатор шахарларидан ташкил этиладиган ярмаркаларга таклифнома олдим, — дейди А. Орманбаев. — Уларда қатнашиб, миллий санъатимиз довругини янада оширишга ўз ҳиссами кўшишомизман. Бу тадбирларда хорижлик музлисларга маҳорат сабоклари ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Айни чорда унинг устахонасида 15 нафар коллеж битибувчиси миллий хунармандчиллик сирларини ўрганмоқда.


**Азатмат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТАХЛИЛ

Президентимиз 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-ижтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мулжалланган ижтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида маврzasida алоҳида қайд этиб ўтганидек, 2009 — 2013 йилларда самарасиз ишләётган 172 та корхона тижорат банклари

балансига ўтказилди. Уларнинг 112 тасида ишлаб чиқариш фаолияти ўйла гўйлиб, янги мулқорларга сотилди. Ана шу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятни тикила жараёнларини амалга ошириш учун 316 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Бунинг натижасида 9000 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

## Банкрот корхоналар: Молиявий соғломлаштириш самараси



РЕКЛАМА ЎРНИДА

Шундай корхоналардан бири «Кувасой парранда» акциядорлик жамиятидир. Ушбу корхона банкрот бўлгач, унга ўйлодш сифатида барпо этилган дўстлик шахарасида истиқомат қилаётган 2,5 минг нафар аҳолининг бир кисми ишсиз колиб, даромад манбаидан айрилди.

Ахволни ўнглаж учун корхонани молиявий соғломлаштириш, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш максадида акциядорлик тижорат «Ипотека-банк» Фарғона виляти филиали таъсисчилиги «Кувасой насли парранда» масъулияти чекланган жамияти асос солинди. Молиявий муасаса томонидан эса 9,4 миллиард сўм ёки 4,6 миллион доллар миқдорида инвестиция бўлди.

Этубори жиҳати, корхонани қайта тикила жарайёнида, биринчи навбатда, ишлаб чиқариши модернизация килиш, техники ва технологик жиҳатдан янгиланишига алоҳида ёзитбор каратилди. Шу маҳсусда Германиянинг «Биг-Дочман» корхонасидан 60 минг дона жўжа этиштириш, 100 минг дона парранда парваришлаш, ҳар бирида 20 000 тадан бройлер товъқ боқишига мулжалланган 3 та дастгоҳ ва ускуналар келтирилиб, қисқа мuddатда ишга туширилди.

Шу билан бирга, жамият худуди 2 та ало-

хида ишлаб чиқариш зонасига ажратилди. Улардан бирида бугун арzon пархез гўшт, бошқасида тухум этиширилмоқда.

Худудда эса ходимларнинг юниши ва овқатланиши учун хоналар ташкил этилган, ишчилар кийим-бош билан таъминланган.

Айниқса, бу ерда гўшт ва тухум сақланадиган 100 тонна сиғимли замонавий музлаткич камералари, омборхоналар барпо этилгани, соатига минг бош паррандан сўйиш, сараша қадоқлаш имкониятига эга цех ишга туширилган айни мудда бўлди.

Бу ўзгаришлар ва молиявий соғломлаштиришдан, табиийки, дўстлик шахарасининг аҳолиси беҳад миннатдор. Чунки корхонанини ишга тушириш муносабати билан 110 нафар фуқаро яна қадрдан иш жойларига кайтиди.

Мактаб ва боғчалар фаолият кўрсатапти. Дам олиш масканлари, спорт майдонлари гавжумлашиб козди.

— Ҳар ким ҳавас қиласа арзигуде замонавий корхонада ишлаб таъминланган турмушим янада фаровонлашди. Нега деганда, корхонамиз ривожлангани сайнин шаҳарчамиз ҳам тобора обод бўлмокда.

Мактаб ва боғчалар фаолият кўрсатапти. Дам олиш масканлари, спорт майдонлари гавжумлашиб козди.

— Ҳар ким ҳавас қиласа арзигуде замонавий корхонада ишлаб таъминланган турмушим янада фаровонлашди. Нега деганда, корхонамиз ривожлангани сайнин шаҳарчамиз ҳам тобора обод бўлмокда.

Кўриниб турибиди, самарасиз ишлаб таъминланган тижорат банклари балансига ўтказилиши кутилашни зиёд самараларни бермокда. «Кувасой насли парранда» МЧЖ фаолияти бўнинг яққол тасдигидир.

Абдулсатаевларнинг ҳам кунончи чексиз. Сабаби, биз замонавий технологиялар ёрдамида иш юритялмиз.

Жорий йилда янги корхона жамоаси вилоят бўйича 432 тонна пархез гўшт, 27 миллион дона тухум етказиб беришга аҳд қилган. Банк томонидан эса модернизация ва ишлаб чиқариш жараёнларини янада кенгайтириши чора-тадбирлари кўрилаяпти. Бу кўшимини 50 та иш ўрни яратилди, дегани.

Кўриниб турибиди, самарасиз ишлаб таъминланган тижорат банклари балансига ўтказилиши кутилашни зиёд самараларни бермокда. «Кувасой насли парранда» МЧЖ фаолияти бўнинг яққол тасдигидир.

**Набижон СОБИРОВ.**

## «UNIVERSAL AUCTION INVEST» МЧЖ Фарғона виляти филиали очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

2014 йил 29 апрель куни соат 10.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига кўйидаги мулклар кўйилмоқда:

\* Кўштепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шахар судининг 2013 йил 19 июндан 1-365/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Водил» КФЙ, Ёшпаробод кўчаси, Янги авлод маҳалласи, У. Султонов хонандонида сақланётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Nissan Altima» русумли, оқ ранги, техник носос, давлат рақами 40 U 047 НА, кора ранги, носос, давлат рақами 40 U 047 НА, оқ ранги, носос.

**Бошлангич баҳоси — 37 473 420 сўм.**

\* Фарғона шахар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманларо судининг 2013 йил 5 ноябрдаги 1-4638-сонли ижро варақасига асосан хатланган, вактичча сақлаш учун ЯТТ Д. Мирзаевга топширилган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Mercedes Benz 320 ML» русумли, давлат рақами 01 V 047 НА, кора ранги, носос.

**Бошлангич баҳоси — 15 699 452 сўм.**

\* Учкўпrik тумани СИБ томонидан ЖИБ Учкўпrik тумани судининг 2013 йил 4 июндан 1-89/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учкўпrik туманинида 11-сонли автотархона сақланётган, ёт ишлаб чиқарилган, «Хонгрип кўркин» дўйонидан, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 15 E 2661, оқ ранги, техник носос.

**Бошлангич баҳоси — 2 268 000 сўм.**

2014 йил 14 апрель куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига кўйидаги мулклар кўйилмоқда:

\* Учкўпrik тумани СИБ томонидан ЖИБ Учкўпrik тумани судининг 2013 йил 17 августдаги 1-135-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учкўпrik туманинида 11-сонли автотархона сақланётган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, «Nissan Altima» русумли, давлат рақами 15 E 2661, оқ ранги, техник носос.

**Бошлангич баҳоси — 329 438 сўм.**

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситалари сотиб олиш баҳосидан ташкири, савдо ташкилотисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 foizi миқдорида комисион ижрий тўлданади.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг тақорий савдоси 2014 йил 30 апрель куни соат 10.00 ва 11.00 да бўлиб ўтади.

Талаборлардан аризаларни қабул килиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 ва 11.00 да тўхтатилади. Автотранспорт воситалари билан тегиши туман суд ижорчилари бўйимли вакили иштироқида бөвситса жойига тикиши ташланадиган, аукцион савдоси иштироқ этиши истагидаги талаборлардан аризалар иш кунлари соат 9.00дан 17.00 гача кўйида кўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 2 225 469 сўм.**

\* Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона тумани судининг 2013 йил 24 декабрдаги 1-369/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олиярик туманидаги 11-сонли автотархона сақланётган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 40 N 954 JA, оч хаворанг кора таслирлаб.

**Бошлангич баҳоси — 3 097 865 сўм.**

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг тақорий савдоси 2014 йил 15 май куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

2014 йил 14 апрель куни соат 10.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига кўйидаги автотранспорт воситалари тақорий савдоси:

\* Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Кува тумани судининг 2013 йил 7 январдаги 1-290/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани ИИБ ИХХ жарима майдончасида сақланётган, «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 40 S 595 AA, оқ ран

